

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

2023

ISSUE 10
OCTOBER

JOURNAL OF

FUNDAMENTAL

STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOFS



IMFAKTOR

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 10 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-10>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А.

– иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М.

– тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б.

– тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т.

– юридик фанлар доктори, профессор

Баҳодиров Р.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У.

– сиёсий фанлар доктори, профессор

Сатторов А.

– сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А.

– социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К.

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Ҳайдаров Ўрал Ахмадович

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мусаев Джамалиддин Камалович

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент

Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

Узакова Зарина Фуркатовна

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Шарипов Дилшод Бахшиллов

– сиёсатшунос, эксперт

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ХЎЖАМОВ Музаффар Расулжонович

Наманган давлат университети

ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8401553>

ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ССРГА КЎЧИРИБ КЕЛТИРИЛГАН АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИГА КЎРСАТИЛАГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон ССРда иккинчи жаҳон уруши йилларда СССРнинг ғарбий минтақаларидан кўчириб келтирилган аҳоли қатламини жойлаштириш ва уларни озиқ-овқат таъминоти ва тақсимоти, бу борасида ҳукумат томонидан олиб борилган таъминот масалалари, жумладан, кўчириб келтирилган аҳоли, хусусан, етим болалар ва уларнинг озиқ-овқат, кийим кечак, турар-жой ва таъминоти, тақсимотини олиб боришда нафақат давлат томонидан, жумладан аҳоли томонидан кўчириб келтирилган аҳоли ва етим болаларга кўрсатилган озиқ-овқат билан таъминлашдаги ёрдами ёритилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон ССР, Эвакуация, озиқ-овқат таъминоти, аҳоли, етим болалар, муаммо, ечими, чора-тадбир, Нон ва нон тақсимоти

ЭТО БЫЛО ПОКАЗАНО СЛОЯМ НАСЕЛЕНИЯ, ПЕРЕСЕЛЕННЫМ В УЗБЕКСКУЮ ССР В ГОДЫ ВТОРОЙ ЖАХОНСКОЙ ВОЙНЫ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается переселение перемещенного населения из западных районов СССР в годы ВОВ в Узбекскую ССР и их снабжение и распределение продовольствием, вопросы снабжения, осуществляемые правительством в связи с этим, в том числе перемещенного населения, особенно детей-сирот и их питание, не только за счет государства при проведении раздачи одежды, жилья и припасов, но и при обеспечении продовольствием перемещенных лиц и детей-сирот.

Ключевые слова: повседневное продовольственное снабжение перемещенного населения и детей-сирот в Узбекской ССР в годы ВОВ, обеспечение их видами питания, существующие проблемы в республике и меры, принимаемые правительством для их решения. Раздача хлеба и хлеба

IT WAS SHOWN TO THE LAYERS OF THE POPULATION TRANSPLANTED INTO THE UZBEK SSR DURING THE YEARS OF THE SECOND ZHAKHON WARFOOD SUPPLY: PROBLEMS AND SOLUTIONS

ANNOTATION

In this article, the resettlement of the displaced population from the western regions of the USSR during the Second World War in the Uzbek SSR and their food supply and distribution, the supply issues carried out by the government in this regard, including the displaced population, especially orphans and their food, not only by the state in carrying out the distribution of clothing, housing and supplies, but also in the provision of food to displaced people and orphans.

Key words: daily food supply of the displaced population and orphans in the Uzbek SSR during the Second World War, providing them with types of food, existing problems in the republic and the measures taken by the government to solve them. Distribution of bread and bread

Уруш йиллари ўзбек халқи нафақат мудофани озиқ-овқат, пул маблағи...балки, Иттифокнинг ғарбий ҳудудларидан душман босқинидан ҳимоя қилиш мақсадида эвакуация қилинган аҳолини кутиб олиш, уй-жой, озиқ-овқат...маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам бағрикенглик тамойилларини кўрсатди.

Ҳусусан, СССР Халқ Комиссарлари Совети 1941 йил 5 июлда “Уруш вақтида аҳолини кўчириш тартиби тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарор ижросидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети, Қорақалпоғистон АССР Халқ Комиссарлари Совети ва вилоят ижроия комитетлари қошида эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиш ва жойлаштириш билан шуғулланувчи эвакуация бўлимлари тузилди [1, Б.26].

Кўчириб келтирилган аҳолини жойлашуви, доимий озиқ-овқат таъминоти, тиббий ёрдами ва бошқа заруррий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш устидан назорат олиб бориш учун эвакуопунктлар ташкил этилди. Эвокопунктлар билан бир қаторда Ўзбекистон Комунистик Партияси (б) Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг қарори билан кўчириб келтирилган болаларни жойлаштириш, озиқ-овқат таъминотини, тиббий ҳолатини мунтазам назорат қилиш учун Республика комиссияси тузилди.

Ўзбекистон Комунистик Партияси (б) Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг навбатдаги қарори билан Қўқон, Самарқанд, Бухоро вилоятининг Когон ва Вревск шаҳарларида ҳар бир кунда 1500 кишини қабул қилиб олаоладиган тўртта эвакуопункт ташкил этилди [2, Б.9].

Душманнинг шиддатли ҳужумлари ўз навбатида эвакуация жараёнини тезлаштирди ва натижада Ўзбекистоннинг тўққиз вилоятига 1941 йил 25 августига 19107 та, 1 сентябрига 26 597 та, 15 октябрига 125 932 та, 1943 йил 1 январига 359 322 киши кўчириб келтирилди. Уруш йилларининг дастлабки йилида эвакуация натижасида 359, 3 минг киши кўчириб келтирилган бўлса, шундан 200 мингга ёш болалар ва ўсмир ёшлар ташкил этди [3, Б.417].

Кўчириб келтирилган болаларнинг аксариятини ўғил болалар 69%, ёш таркибига кўра 15-16 ёшлилар 48, 5 % ни, 17-18 ёшлилар 18 % ни, 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган мактаб ёшидаги болалар 31 % ни, мактабгача ёшдаги болалар 2,5 % ни ташкил этиб жами келтирилган 51 % етим болалар эди [4, Б.155].

Эвакуация қилинган болаларни озиқ-овқати таъминоти, соғлиги ва тарбияси билан шуғулланишга маъсул этиб Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлари Советининг ходими Н.П.Крафт тайинланди. Жами кўчириб келтирилганларга умумий маъсуллар Ўзбекистон Комунистик Партияси (б) Марказий Комитети биринчи котиби Усмон Юсупов ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуму Йўлдош Охунбобоев фаолият олиб борди [5, Б.7].

Эвакуация жараёни нафақат Ўзбекистон ССР га балким, Ўрта осие Республикаларига ҳам эвакуация қилиш ташкил этилди. Натижада 1942 йил бахорига келиб, Қозоғистонга 600 минг ва Қирғисизтонга 100 минг киши эвакуация қилинди [6, Б.26].

Эвакуация натижасида 1941 йил октябридан 1942 йил 1 сентябригача Ўзбекистонга иттифокнинг ғарбий ҳудудларидан жами 78 болалар меҳрибонлик уй 9918 нафар бола билан кўчириб келтирилди. Шундан 10 таси республикадаги мавжуд болалар уйларига бирлаштирилиб, 18 таси тугатилди ва қолган 50 таси фаолият олиб борди [7, Б.156].

Сақлаб қолинган болалар уйлари ҳудудларнинг имкониятидан келиб чиқиб қуйидагича жойлаштирилди. Хусусан, Адижон вилоятига 13 та, Фарғона шаҳрига 10 та, Наманган вилоятига 9 та, Бухоро вилоятига 9 та, Тошкент шаҳрига 5 та, Самарқанд вилоятига 4 таси жойлаштирилди [8, Б.57].

Эвакуация қилинган аҳолини ва болаларни тизимли равишда жойлаштириш, энг аввало озик-овқат, кийим бош...таъминлашни ташкил этиш тўғрисида СССР Марказий комитети 1941 йил 22 октябрда қарор қабул қилди. Қарор ижросидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Комунистик партияси ва Марказий комитети тескорлик билан қарор ижросини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқди. Чора-тадбирлардан келиб чиқиб, Республиканинг барча вилоятлари кўчириб келтирилганларни қабул қилиб олиш ва зудлик билан энг аввало уй-жой, озик-овқат таъминотини йўлга қўйиш бўйича оммавий тайёргарлик бошланди. Масалан, Сурхондарё вилоятига 1942 йил 1 феврал ҳолатига кўра 2587 киши кўчириб келтирилган бўлса, шундан, 1383 нафари аёллар, 829 нафари эркеклар, 373 нафари 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади [9, Б.8].

Шундан 64 киши Термиз шаҳрига, 92 киши Бойсун туманига, 888 киши Деновга, Жарқўрғонга 26 киши, Шўрчига 1136 жами бўлиб 2520 киши вилоятнинг турли ҳудудларига жойлаштирилди [10, Б.14].

Эвакуация натижасида 1941 йил охирига келиб Республикада болалар уйлари сони 50 % га, уларда тарбияланаётган болалар сони 80 % га етди [11, Б.94] ва бу жараён эндиги навбатда уларни турар жой, кийим кечак...билан таъминлабгина қолмай уларнинг озик-овқат масаласи ҳам долзарб масалага айланди.

Қабул қилиб олинган аҳолини озик-овқат таъминотини йўлга қўйишда энг аввало колхозлар жонбозлик кўрсатдилар. Масалан, Тошкент вилояти Янги йўл туманидаги “Ленинзим” колхозини меҳнаткашлари Сурхондарё вилоятига кўчириб келтирилган аҳолини моддий аҳолини қўллаб қувватлаш учун 26 минг сўм пул, 17 бош қўй, 1,5 тонна гуруч, 2 тонна картошка, 4,5 тонна сабзавот ва 1 тонна турли ҳилдаги мевалар юбордилар [12, Б.16].

Жумладан, Андижон вилоятига 1942 йил феврал ойида 2316 киши эвакуация қилиниб, икки ой мобайида уларга 20 тонна ун, 5,2 тонна сабзавот, 534 кг гуруч, 330 кг буғдой билан туб жой аҳоли томонидан моддий ёрдам кўрсатилган [13, Б.101] бўлса, шу йил вилоятга етим болалардан 120 та, 1941 йилдан 1942 йил 1-октябригача Ўзбекистонга 43 минг, уруш йилларида жами бўлиб 200 мингдан ортиқ етим болалар эвакуация қилинди [14, Б.302].

Олиб келинган етим болаларни колхозларга жойлаштириш жараёни ушбу колхозларнинг моддий аҳоли, фонд жамғармасига қараб амалга оширилди.

Масалан, 4 млн рубл пул даромадига эга колхозга энг камида 10 нафар ва ундан кўп етим бола, даромади 4 млн рублдан кам бўлган колхозларга 5 нафардан 10 нафаргача болани жойлаштириш, озик-овқати таъминотини мунтазам олиб бориш ва ғамхўрлик қилиш вазифаси кохознинг ўзига юклатилди [15, Б.301].

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советини эвакуация қилинган болаларни, болалар уйларини озик-овқат маҳсулотлари ва бошқа турдаги зарурий нарсалар билан таъминлаш ташкил этиш ва олиб бориш мақсадида 1942 йилнинг февралда “Болалар уйларини марказлаштирилган тартибда таъминотини жорий этиш ҳақида”, 1943 йил апрелида “Эвакуация қилинган фуқоролар болаларини овқатлантиришни ташкил ҳақида”, 1943 йили юн ойида “Болалар уйларини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни қўшимча мабайини ташкил этиш тўғрисида” каби бир қатор қарорлар қабул қилди.

Қабул қилинган “Болалар уйларини марказлаштирилган тартибда таъминотини жорий этиш ҳақида” (1942 й) қарор ижросидан келиб чиқиб, ҳар бир етим болага бир кун давомида қўйидагича озиқ-овқат билан таъминлаш тартиби белгиланди: Нон, макрон ва ёрмадан таёрланган овқат бир нафар болага 470 гирам, балиқ 56 г, кондитор маҳсулотлари 15 г, ёғ 32 г ва шакар 20 г [16, Б.47].

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советини болалар уйларини бир вақтни ўзида гўшт ва сут маҳсулотлари билан марказлаштирилган фондлар ҳисобидан тўла қондириб бўлмаслигини ҳисобга олиб, вилоят ва туман ижройи комитетларирига болалар уйларини колхозларга бириктириш, меҳрибонлик уйларига қўшимча ёрдамчи чорвачилик хўжаликлари ташкил этиш ва улар орқали гўшт тайёрлаш, таъминлашга қўмаклашиш вазифаси юклатилди. Натижада ҳар бир вилоят, туманлар ўз худудида жойлашган болалар уйга ёрдамчи хўжаликлар орқали гўшт етиштириш ва топширишни йўлга қўйди. Мисол учун 1942 йил Сурхондарё вилояти 300 кг, Хоразим вилояти 900 кг, Наманган вилояти 3,400 кг, Андижон вилояти 3,800 кг, Самарқанд вилояти 4,200 кг, Фарғона вилояти 4,800 кг, Бухоро вилояти 5,600 ва Тошкент вилояти ёрдамчи хўжаликлари 11,700 кг гўшт етиштириб, вилоятдаги болалар уйга топширди [17, Б.42].

Озиқ-овқат маҳсулотлари топшириш билан бир қаторда ошхоналар фаолияти ҳам мунтазам ташкил этилди ва 1941 йил 1 октябрдан 1942 йил 1 октябригача ошхоналарда етим болаларни бепул овқатлантириш учун 192 минг сўм пул сарфланган бўлса, боғчага жойлаштирилган болаларга эса 153 минг сўмлик сут ва сут маҳсулотлари таъминоти амалга оширилди [18, Б.47].

Республикага жойлаштирилаган болалар учун Тошкент, Фарғона, Қўқон, Андижон, Наманган ва Самарқанд шаҳарларида маҳсус ошхоналар ташкил этилди ва бир кунлик овқатлантириш 9200 кишини ташкил этиб [19:С.158] биргина пойтахт Тошкент шаҳрига ташкил этилган маҳсус ошхоналарда бир йилнинг ўзида 6 минг дан ортиқ болаларни тўрт маҳал овқатлантирилди. Бундай маҳсус ошхоналар Республика 10 мингдан ортиқни ташкил қилди [20, Б.1].

Республикада болалар болалар уй ташкил этилиши энг аввало уларнинг миллати, кўчириб келтирилган ҳудудлар демографиясига қараб ташкил этилди.

Давлат ва колхозлар фондидан моддий ёрдам бериш билан бир вақтда балалар уйлари учун қўшимча хўжалик ер ажратиш бошланди.

Болалар уйлари учун ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилиши ва уларни ер, чорва бошқа турдаги моддий ускуналар билан таъминланиши натижасида 1943 йилга келиб, улар ихтиёрида 1039 гектар бор эди. Шундан 508 гектарига сабзавот ва полиз экинлари, 479 гектарига донли экинлар, қолган 52 гектарига бошқа турдаги озиқ-овқат учун зарур бўлган экин турлари етиштирилди. Масалан Фарғона вилояти Партия комитетининг 1942 йил 5 февралдаги қарорига биноан вилоятдаги 10 та болалар уйларини қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 92, 5 гектар, шу жумладан Фарғона болалар уйга 25,5 гектар, Қўқон шаҳридаги болалар уйига 35 гектар, Қува ва Киров туманларидаги болалар уйларига 10 гектардан, Қува шаҳри болалар уйларига уйига 2 гектар ер ажратиб берилди [21, Б.163-164].

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советини 1943 йил ноябрда “Болалар уйлари озиқ-овқат таъминотини яхшилаш” тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга муофиқ озиқ-овқат таъминотини юритишда нафақат вилоят ва туманлардаги колхозларини, ҳудудларда жойлашган Машина трактор станцияларини ҳам таъминоти учун жалб қилди. МТС лар олдида ёрдамчи хўжалиги бўлмаган болалар уйга улар жойлашган масофадан 5 км узоқ бўлмаган ҳудудда ҳар бир болалар уй учун нон таъминоти мунтазамам олиб боришига қаратилган 2 гектардан ерга МТСлар ўз ҳисобидан, кузги ғалла экиб, етиштириб ва еғиштириб мажбурияти юкланди [22, Б.47].

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Базоров. Ю. Улуғ ватан уруши йилларида Ўзбекистон оммавий-мудофаа ташкилотлари. (1941-1945 йй) Тошкент. “Фан”. 1972 й. -Б.-26
2. Ўз МА, Р-837-фонд, 27- рўйхат, 192-иш, 9-варақ
3. Ўз МА, Р-837-фонд, 27- рўйхат, 192-иш, 417-варақ
4. Исакова. А. “Забота Узбекистана об эвакуированных детях”. “Вклад Народа Узбекистана в победу над фашизмом во второй мировой войне”. Материалии научно-практическую онлайн конференции. Ташкент. 2020. –С. 155.
5. Турдиев. С. Забота об эвакуированных в Узбекистане в период Великой Отечественной войны. Ташкент. “Фан”. 1987 г. –С. 7
6. Белоносов. И. Эвакуация населения из прифронтной из полосы в 1941-1942 гг. В кн: Эшалонь идут на Восток. Из истории перебазирования производительных сил СССР в 1941-1942 гг. Сборник статей и воспоминаний. Москва. 1966. г. -С. 26.
7. Исакова. А. “Забота Узбекистана об эвакуированных детях”. “Вклад Народа Узбекистана в победу над фашизмом во второй мировой войне”. Материалии научно-практическую онлайн конференции. Ташкент. 2020. –С. 156.
8. Ўз МА, Р-94-фонд, 5- рўйхат, 4697-иш, 57 варақ
9. Ўз МА, Р-1619-фонд, 13- рўйхат, 173-иш, 8 варақ
10. Ўз МА, Р-1619-фонд, 13- рўйхат, 173-иш, 14 варақ
11. Ўзбекистон ССР тарихи IV том. Ўзбекистон ССР. Тошкент. “Фан”. 1977. й. . -Б. 94.
12. Ўз МА, Р-1619-фонд, 13- рўйхат, 173-иш, 16 варақ
13. АДА. Ф-608-фонд, 1- рўйхат, 100-иш, 101 варақ
14. Ўз МА, Р-94-фонд, 5- рўйхат, 4215-иш, 302 варақ
15. Аминова. Р. Колхозное крестьянство Узбекистана в годы великой отечественной войны. Ташкент. Ўзбекистан. 1979 г. С. 301
16. Турдиев. С. Забота об эвакуированных детях в Узбекистане в период Великой Отечественной войны. Ташкент. “Фан”. 1987 г. –С. 47
17. Турдиев. С. Забота об эвакуированных детях в Узбекистане в период Великой Отечественной войны. Ташкент. “Фан”. 1987 г. –С. 42
18. Турдиев. С. Забота об эвакуированных детях в Узбекистане в период Великой Отечественной войны. Ташкент. “Фан”. 1987 г. –С. 47
19. Исакова. А. “Забота Узбекистана об эвакуированных детях”. “Вклад Народа Узбекистана в победу над фашизмом во второй мировой войне”. Материалии научно-практическую онлайн конференции. Ташкент. 2020. –С. 158.
20. Бухоро вилоят давлат архиви. 1127-фонд, 123- рўйхат, 1-иш, 1 варақ
21. Узбекистан в годы Великой Отечественной войны. (1941-1945 гг) Ташкент. 1966. -С. 163-164
22. Турдиев. С. Забота об эвакуированных детях в Узбекистане в период Великой Отечественной войны. Ташкент. “Фан”. 1987 г. –С. 47

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz